

Qishloq hayoti

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOY-IQTISODIY GAZETASI

1974-yil 1-yanvardan chiqqan boshlagan

2022-yil 15-sentabr, payshanba

№ 36 (9200) -son

e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru

@Qishloqhayoti_gazetasi

ИСЛОХОТЛАР ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

Президентимизнинг жорий йил 25 апрелдаги "Бирламчи тиббий-санитария ёрдами аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори Сирдарё вилояти соғлиқни сақлаш тизимида ишлаётган тиббиёт ходимлари зиммасига катта масъулият юкляди.

Соҳа ходимларининг ўз устида ишлаши, аҳолини бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларига эмас, бирламчи тиббий-санитария ёрдами аҳолига янада яқинлаштириш борасидаги ишларни ташкил этишда дастуриламал бўлмоқда.

Замонавий тиббиётда касалликлар профилактикаси биринчи ўринда туради. Бу эса касалликларни эрта босқичларда аниқлаш ва даволаш имконини беради. Бирламчи тизим яхши йўлга қўйилса, хизмат кўрсатиш кўламини кенгайтириш, касалликлар барвақт аниқланса, даволаш ишлари эрта босқичларда олиб борилса соҳада юқори самарадорликка эришилади. Ортиқча харажат, ресурслардан фойдаланиш сарфи камаяди.

Жорий йилнинг ўтган вақтида Сирдарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси тизимидаги бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида 12 турдаги инструментал диагностик, 12 турдаги лаборатория текширувлари, кўп тармоқли марказий поликлиникаларда 19 турдаги диагностик ҳамда 16 турдаги, бепул лаборатория текширувлари, "Электрон поликлиника" тизими йўлга қўйилди.

Бу бемор, унинг яқинлари учун қулайликларни яратибгина қолмай, турли оворагарчиликларга барҳам берди. Беморлар шифокор қабулида навбат кутиб туришига ҳожат қолмади. Шу билан бирга, врач ва оила шифокори қабулидаги бемор диспансер ҳисобда туриш ёки турмаслиги ҳамда ногиронлиги ҳақидаги маълумотларни ўша муассасаларга бормай, "электронли ҳукумат" тизим орқали олиш имкони яратилди.

– 2007 йилда Сирдарёда 161 та соғлиқни сақлаш муассасаси мавжуд бўлган бўлса, бугунга келиб улар сони 261 тага етказилди, – дейди

Сирдарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Рустам Юлдашев. – Олис, бориш қийин бўлган ҳудудлар дислокацияси ишлаб чиқилиб, унга асосан ушбу ҳудудларда 35 та маҳалла тиббиёт пункти фаолияти йўлга қўйилди. Ёки бўлмаса, дори воситалари ва тиббий буюмлар хариди учун ажратилган маблағ 8,3 баробарга кўпайиб, 32,3 миллиард сўмга, соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, хизмат кўрсатиш кўламини янада кенгайтириш учун ажратилган маблағ 2016 йилда 156,2 миллиард сўмни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2022 йилда 522,7 миллиард сўмга етди.

Энг муҳими, бирламчи тиббий-санитария муассасалари қамровини янада кенгайтириш, хизмат кўрсатиш кўламини янада ошириш, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида, умумий амалиёт шифокорлари оилавий шифокорга айлантирилиб, бир нафар оила шифокори, 5 нафар ҳамширадан ташкил топган "Тиббий бригада"лар таркиби тузилди. Вилоятдаги 236 та маҳалла аҳолиси учун 421 та "Тиббий бригада" фаолияти йўлга қўйилган.

– Бугунги тиббиёт олдинги тизимдан тубдан фарқ қилади, – дейди Боёвут тумани "Янги авлод" маҳалласида яшовчи фуқаро Насиба Ҳамидова. – Бизга бириктирилган оила шифокори ва оила ҳамшираларимиз бор. Улар соғлигимизни назорат қилиб боради. Жиддий муаммо туғилса туманга йўналтиради.

Инсон саломатлиги буюк неъмат. Бугун олдингидан фарқли ўлароқ, Сирдарёда ҳам аҳоли саломатлигини сақлаш, уларга намунали тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш борасида муҳим қадамлар ташланмоқда.

ШУХРАТ СУЯРОВ,
ЎЗА МУХБИРИ.

БУЮК ИПАК ЙЎЛИНИНГ ИККИ МУҲИМ НУҚТАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин 14-16 сентябрь кунлари давлат таширифи билан мамлакатимизда бўлади.

Ташриф учун Самарқанднинг танланиши беҳиз эмас, албатта. Чунки, бу қадимий кент Хитойдан бошланган Буюк ипак йўлининг чорраҳасида жойлашгани, Шарқ ва Ғарб, Шимол ва Жанубни боғлагани, юксак маданият, илм-фан ва цивилизация маркази билан тарихий аҳамиятга эга.

Хитой Халқ Республикаси Раиси кунчи кеча оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган мақоласида Тан сулоласининг буюк олим-роҳибини Сюань Цзан 1300 йил аввал ўз саёҳатномасида гуллаб-яшнаган Самарқандга "Бу замин мўл-кўл ризқ рамзи бўлмиш ғалла етиштириш учун жуда қулай, ранг-баранг гулларга, мазали меваларга бой" деб таъриф берганини алоҳида қайд этган.

Самарқанд бугун ҳам ана шу нуфуз ва мақомига мос равишда дунё аҳли нигоҳида бўлиб турибди. Дунёнинг кўплаб мамлакатлари қатори Хитой билан ҳам савдо-иқтисодий, таълим ва маданият, гуманитар соҳаларда алоқалар мустақамланиб бормоқда. Бугунги кунда Самарқанд ва Сиань шаҳарлари уртасида биро-

дарлик алоқалари йўлга қўйилган. Самарқанд давлат чет тиллар институтида хитой таълими йўналиши бўйича кадрлар тайёрланмоқда. Институт қошида эса Конфуций институти фаолият кўрсатади. Бу ерда Хитой халқи тарихи, маданияти, тили ва урф-одат, анъаналари ўрганилади. Шунингдек, Самарқанд шаҳрида Конфуций майдони ташкил этилиб, бу ерда улғу аллома ҳайкали ўрнатилган.

Давлат раҳбарларининг саёй-ҳаракатлари туфайли икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар изчил мустақамланиб бормоқда. Ўзбекистон – Хитой ҳамкорлигини ривожлантириш доирасида турли соҳаларда кўплаб йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Биргина Самарқанд вилоятида Хитой ишбилармон доиралари билан савдо-иқтисодий ва инвестициявий алоқалар йил сайин ривожланаётган.

Вилоят ҳокимлигининг маълумотларига кўра, ҳозирга кунда Самарқандда Хитой компаниялари капитали иштирокида 71 та қўшма ҳамда 28 та хорижий корхона фао-

лият кўрсатмоқда. Жумладан, масъулият чекланган жамияти шаклидаги "Xitoy besh barmoq qurilish materiallari" қўшма корхонаси Булунгур туманида қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, "Sam eco root" корхонаси Пастдарғом туманида қизилмия экстрактини қайта ишлаш билан шугullanмоқда. Каттақўрғон туманида эса чин ўлкаси ишбилармонлари билан ҳамкорликда цемент ишлаб чиқаришга йўналтирилган йирик лойиҳа амалга оширилмоқда. Шунингдек, "Ургут" эркин иқтисодий зонасида ўндан ортиқ корхона хитойлик тадбиркорлар билан биргаликда ташкил этилган.

Вилоятда 2021 йилда 83 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш доирасида Хитойдан 69,5 миллион долларлик инвестиция маблағлари ўзлаштирилган. Натижада 7,2 миллион доллар маблағ эвазига Самарқанд шаҳрида "Сахари" масъулият чекланган жамияти томонидан маиший техника, 15 миллион доллар инвестиция ҳисобига "Азия Металл Проф" корхонасида темир маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Давлат инвестиция дастурига мувофиқ жорий йилда Самарқандда хитойлик ҳамкорлар билан 21 та янги инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда. Ушбу йўналишда йилнинг ўтган даврида 76,3 миллион доллар маблағ ўзлаштирилди. Натижада Ургут туманидаги "Innovation med total" масъулият чекланган жамиятида болалар тагликлари, тиш пастаси, Иштихон туманида "Samarkand Stone Trade Corporation" қўшма корхонасида қурилиш материаллари тайёрлаш йўлга қўйилди.

Самарқанд вилоятининг Хитой билан товар айланмаси ўтган йил 285,9 миллион долларни ташкил этган бўлса, жорий йилнинг саккизи ойида бу кўрсаткич 201,2 миллион доллардан ошди. Хитой Халқ Республикаси Раисининг юртимизга бу галги таширифи мамлакатларимиз ўртасида қарор топган мустақам дўстлик алоқаларини янада мустақамлашга хизмат қилади.

Ғолиб ҲАСАНОВ,
ЎЗА МУХБИРИ.

БАХМАЛНИНГ МАРД ЎҒЛОНЛАРИДАН ЭДИ...

Мустақилликнинг дастлабки йиллари, ғалла мавсуми яқинлашмоқда. Хўжалиқда техникаларнинг ҳоли хароб, вазият шундай давом этса ҳосил увол бўлиши аниқ. Бундай мушкул аҳволдан қутилиш чорасини излаш керак. Раис хаёлан минг бир чора эшигига кириб чиқди. Йўқ, бўлмайди! Иложи йўқ! На кечаси уйқусида ҳаловат бор, на кундузи юришида. Буёқда ҳосил етилиб турибди, кўпнинг ризқи, давлат режаси бор. Мана шу ўй, мана шу жавобгарлик ҳисси унинг елкасидан оғир тошдек босиб турарди.

Ниҳоят, хаёлига келган фикрдан кўзлари ярқ этиб очилди! Топдим! Менимча бу иш беради! У зудлик билан кийиндида, йўлга отланди. Ташкил аэропортида, ишдан чиққан эски самолётларнинг баллонлари бўларди, иш билан бир марта борганида кўзи тушган. Самолётлар учун ярқоси бўлиши мумкин аммо, комбайн ва тиркамалар учун ҳали

анча вақт асқотади. Тегишли мутасадди раҳбарлар билан гаплашди, маслаҳатлашди ва арзимаган маблағ эвазига эски баллонларни хўжалиққа олиб кетди...

Хўжалик тракторчиси-ю комбайнчилари раиснинг бу топқирлигидан ҳайратда қолишди. Уша пайтгача қишлоқ хўжалиги техникалари Россиядан келтирилиб, мустақиллик бўл-

ган эҳтиёт қисм таъминоти тўхтаган, қишлоқ хўжалиги техникалари ишдан чиққан, ҳамма чорасиз аҳволда қолган кезлар эди. Мамлакат тетапоё бўлиб энди оёққа тураётган бир пайтда эҳтиёт қисмини топиб келиб, ҳосилни нес-нобуд қилмасдан йиғиштириб олиш бу жуда катта жасорат эди. Ва бу техникалардан хўжалиқда анча йилларгача фойдаланишди. Ҳа, Ҳамза Аширқулов ана шундай жасоратли инсон эди. Бахмалликлар бу мард, танти ўғлони билан ҳақли равишда фахрланишади.

УЗОҚ ЎТМИШ

1940 йил. Январ охирига... Аширқул аканинг аёли Бувхолой тўртинчи фарзандига юкли. Зўрга юрибди. Уч бола этагига ёпишади. Ҳалиям тўнгичи Ирисой анча ёнига кириб қолган. Укаси билан синглисини овутишга ҳаракат қилади.
(Давоми 2-саҳифада)



ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

ФЕРМЕРЛАР ВА СУВЧИЛАР ЯҚДИЛ БЎЛСА...

Қувасой шаҳри сувчилари 650 дан ортиқ фермер хўжалиги ва аҳоли томорқаларига сув етказиб беришда жонбозлик кўрсатиб келмоқда. Шу боис ҳам мева, सबзавот, ғалла етиштириш шартнома режалари ортиғи билан бажарилди.

– Сув бўлмаган жойда экинлардан мўл ҳосил олиб бўлмайди, – дейди Қувасой шаҳри ҳокими Зафаржон Тўрақулов. – Фермерлар ва шахримиз сувчиларининг яқдиллиги туфайли бу йил ҳам боғлардан мўл ҳосил етиштирилди. Айниқса, олма ҳосили хавас қилса арзийдиган даражада бўлди. Қувасой қир-адирликларидан янги боғлар буй кўрсатди. Қиш фаслида йиллар давомида ўзлаштирилмаган тепалик ва адирликлардан иборат 1600 гектар ҳудудда ишлар қизғин тус олди. "Uz-Segang" МЧЖ томонидан "А.Раҳмоналиев" массивида фермер хўжалиги ташкил этиш ҳамда томчилатиб сўғориш тизими асосида замонавий интенсив боғ яратиш мақсад қилинган эди. Тик қудуқлар қазилиб, ҳовуларни тайёрлаш жараёнлари яқунланган. Ҳозирга қадар 300 гектардан ортиқ ҳудудда боғ яратилиб, янги сўғориш технологияларидан фойдаланилмоқда.
(Давоми 2-саҳифада)

НАВОЙ ВИЛОЯТИ

Давлат мукофоти соҳиблари

ЭГАМБЕРДИ АКАНИНГ ҚУВОНЧИ

Ҳамиша ҳалол ва самарали меҳнат ўзининг ижобий натижаларини кўрсатиб келган. Зеро, ўз касбига бўлган муҳаббат, ишонч ва садоқат инсонни улғулайди. Эгамберди Оқбўтаев ҳам асосий фаолиятини иригиация соҳаси билан боғлаганидан ҳаммиша мамнун. Чунки, касби уни эл олдида ҳурмат-эътиборга сазовор қилди.

Қайриб 30 йилдан ошқ вақт давомида Эгамберди Оқбўтаев "Қуйи Зарафшон" ИТХБ ҳузуридаги Насос станциялари ва энергетика бошқармаси Транспорт хизмати, автогараж ва автотранспортларни таъмирлаш хизмати бўлими автокран ҳайдовчиси сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда. У узоқ йиллар фидокорона меҳнат қилиб, вилоят экин майдонларига сув етказиб бериш, сувдан оқилона ва мақсадли фойдаланиш, юқори ҳосилдорликни таъминлаш ишларига муносиб ҳисса қўшиб келаётган тажрибали ходим сифатида касбдошлари ва жамоаси орасида алоҳида тилга олинади.



Мукофот Эгамберди акага янада катта куч берди, ғайрат берди, янги-янги ғоялар сари руҳлантирди

ЭГАМБЕРДИ АКАНИНГ ҚУВОНЧИ



(Боши 1-саҳифада)
 – Асосий фаолиятимиз суғориши насос станциялар ва тик суғориш қудуқларига боғланган экин ер майдонларига сув етказиб бериш ҳамда мелиоратив насос станциялар ва тик зах қочирши қудуқлари ёрдамда ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган, – дейди Эгамберди ака. – Менинг фаолиятим Қизилтепа тумани билан боғлиқ. Худуддаги ирригация соҳаси ривожига автокраним билан муносиб ҳисса қўшиб келаётганимдан хурсандман. Эгамберди Оқбутаев ишлаётган Насос станциялари ва энергетика бошқармасининг асосий фаолияти аҳоли, чорва моллари ва фермер хўжалиқларига сув етказиб беришдан иборат бўлиб, бошқарма тизимда бугунги кунда 535 нафар ишчи-ҳодим меҳнат қилмоқда. Бошқарма негизда 25 донна транспорт воситаси мавжуд бўлиб, уларнинг 6 таси енгил автомобиллар, 10 таси юк автомобиллари, 3 таси ўзи ағдаргичлар, 1 донна юк фургони, 1 донна микроавтобус ҳамда 4 донна махсус автомобилларни ташкил этади. Қарамонимиз вилоят бошқармасига қарашли Транспорт хизмати, автогаж ва автотранспортларни таъмирлаш хизмати бўлимида тизимли меҳнат қилиб, қўл остидаги 2 нафар мутахассис билан тик қудуқлар ва насос станциялар орқали вилоятдаги 5886 гектардан зиёд экин майдонининг узлуksиз сув билан таъминланишида жонбозлик кўрсатиб келмоқда. Алоҳида эътироф этиш жоziки, сўнгги уч йил давомида

майдонларга 817,6 млн./мз сув етказиб берилиб, режа 110-115 фоизга бажарилишида Эгамберди аканинг ҳам муносиб улуши бор, албатта. Э.Оқбутаевнинг амалий тақлифлари асосида 2020-2021 йилларда насос станция ва тик қудуқларидаги гидротехник усуналарни таъмирлаш, реконструкция қилиш ишлари амалга оширилиб, натижада насос станция ва тик қудуқларнинг сув етказиб бериш ҳажми 13-15 фоизга ва иш умумдорлиги 20-25 фоизга ўсишига эришилди. Таърибали автокран ҳайдовчиси самарали меҳнатлари тўғрисида бошқарманинг Насос станция ва тик қудуқларига хизмат кўрсатаётган ҳудудлар сув билан узлуksиз таъминланиб келаётгани алоҳида эътиборлидир. Бунинг натижасида охириги йилларда вилоят ҳудудларидаги хўжалиқларда пахта

ҳосилдорлигининг 5 центнерга, ғалла ҳосилдорлигининг 7 центнерга ошиши кузатилди. Э.Оқбутаев фермер хўжалиқларида ва аҳоли ўртасида сувдан тушунтириш ишларини олиб бориб, сувнинг ҳар томчисидан мақсадли фойдаланиш ҳамда суғоришнинг самарали усуллари тавсия қилиб келмоқда. Натижада режадан 1,5 баробар кўпроқ майдонни суғоришга ва 1,7 млн. кВт/с электр энергиясининг тежаб қилинишига эришилган. Қарамонимиз меҳнат фаолияти давомида ўндан ортик маалаки шотгирд тайёрлаб, ҳар бир майдонда насос станция ва тик қудуқларига хизмат кўрсатаётган ҳудудлар сув билан узлуksиз таъминланиб келаётгани алоҳида эътиборлидир. Бунинг натижасида охириги йилларда вилоят ҳудудларидаги хўжалиқларда пахта

улуш қўшаётганидан бахтиёр. Эгамберди акани жамоадоллари илғор ва малакали мутахассис, камтар ва самимий инсон сифатида ҳурмат қилади. Негаки, ўз касбининг етуқ билимдони бўлган қарамонимиз ўз таърибаларини ҳамisha ёш мутахассислар билан ўртоқлашиб келади. Аслида ҳам инсоннинг касби-кори ордидан бахт топиши унинг самарали меҳнати ва билимдонлиги билан боғлиқ. Эгамберди ака ҳар тонг ишга отланар экан, уни интиқлик билан кутиб турган автокрани томон ошиқадди. Ҳар бир сониядан унумли фойдаланишга, олдига қўйилган вазифаларни шараф билан адо этишга интилади. Бу интилиш эса унга ҳамisha муваффақият эшикларини очаверади. – Ҳар бир касбнинг енгил томони билан бирга оғир тарафи ҳам бўлади, албатта, – дейди

Эгамберди ака. – Шу боис ҳар бир ҳодим ҳамisha ҳар қандай ҳолатга тайёр туриши керак. Сабр, матонат, чидам ва ўз устида тинимсиз ишлаш барча тўсиқларни енгиб ўтишда муҳим омил бўлади. Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 31 йиллиги муносабати билан Давлатимиз раҳбарининг фармонида биноан бир гуруҳ юрtdошларимиз турли даражадаги давлат мукофотлари билан тақдирланди. Улар орасида "Қуйи Зарафшон" ИТҲБ ҳузуридаги Насос станциялари ва энергетика бошқармаси автокран ҳайдовчиси Эгамберди Оқбутаев "Дўстлик" ордени билан тақдирланди. Бу мукофот қарамонимизга олам-олам қувонч бағишлади. – Юксак мукофот билан тақдирланганимни эшитганимда тўғриси ҳаяжондан кўзимга ёш келди, – дейди Эгамберди ака. – Узоқ йиллик фаолиятим давомида бир нарсага амин бўлдимки, машаққатли меҳнат албатта, узининг самарасини беради. Бу муваффақиятни нафақат оила аъзоларим, балки жамоадолларим, маҳалладолларим ҳам катта қувонч билан кутиб олишди. Инсон қадри улуғланган юртимизда ҳеч бир эзгу иш эътибордан четда қолмайди. Президентимизнинг назарига тушиш бу оддий бир ирригация соҳаси ҳодими учун катта бахт, албатта. Эндиликда мен янада шиддат ва фидойилик билан меҳнат қилиб, бу юксак ишонччи оқлайман. Ҳа, мукофот Эгамберди акага янада катта куч берди, ғайрат берди, янги-янги ғоялар сари руҳлантирди. Зеро, ҳар қандай рабат инсонни янги марралар сари ундайди. **Отабек АСЛОНОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.**

ФЕРМЕРЛАР ВА СУВЧИЛАР ЯҚДИЛ БЎЛСА...

(Боши 1-саҳифада)
 Фаргона вилоятининг олма экспорт қилишдаги салмоқли муносабати билан Давлатимиз раҳбарининг фармонида биноан бир гуруҳ юрtdошларимиз турли даражадаги давлат мукофотлари билан тақдирланди. Улар орасида "Қуйи Зарафшон" ИТҲБ ҳузуридаги Насос станциялари ва энергетика бошқармаси автокран ҳайдовчиси Эгамберди Оқбутаев "Дўстлик" ордени билан тақдирланди. Бу мукофот қарамонимизга олам-олам қувонч бағишлади. – Юксак мукофот билан тақдирланганимни эшитганимда тўғриси ҳаяжондан кўзимга ёш келди, – дейди Эгамберди ака. – Узоқ йиллик фаолиятим давомида бир нарсага амин бўлдимки, машаққатли меҳнат албатта, узининг самарасини беради. Бу муваффақиятни нафақат оила аъзоларим, балки жамоадолларим, маҳалладолларим ҳам катта қувонч билан кутиб олишди. Инсон қадри улуғланган юртимизда ҳеч бир эзгу иш эътибордан четда қолмайди. Президентимизнинг назарига тушиш бу оддий бир ирригация соҳаси ҳодими учун катта бахт, албатта. Эндиликда мен янада шиддат ва фидойилик билан меҳнат қилиб, бу юксак ишонччи оқлайман. Ҳа, мукофот Эгамберди акага янада катта куч берди, ғайрат берди, янги-янги ғоялар сари руҳлантирди. Зеро, ҳар қандай рабат инсонни янги марралар сари ундайди. **Отабек АСЛОНОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.**

Эълонлар

"Тошкент Минтақа" МЧЖ

бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

"Issiqlik elektr stansiyalari" AJ Toshkent "Issiqlik elektr stansiyasi" AJ-ning 2022 йил 8 сентябрдаги №04-30/3468 сонли бюртманомасига асосан, Тошкент вилояти Қўрай тумани Салар қўрғониди, Toshkent "Issiqlik elektr stansiyasi" AJда сакланаётган 1. "КС-5363С" русумли Давлат рақами 1985 йилда ишлаб чиқарилган кран (пнемоколеный) бошланғич баҳоси – 220 459 000 сўм, 2. "Балканкрэн" русумли Давлат рақами 10 СА 284 бўлган 1987 йилда ишлаб чиқарилган вилкали юклагич бошланғич баҳоси – 4 484 000 сўм, 3. "ЗИЛ-431410" русумли Давлат рақами 10/399 КАА бўлган 1993 йил ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси бошланғич баҳоси – 58 781 000 сўм очиқ аукцион савдосига қўйилмоқда. Аукцион савдолари 2022 йил 7 октябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: бир кун аввал соат 16:00. Автотранспорт воситаси 2022 йил 7 октябрь куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдоси 14 ва 21 октябрь 11:00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати 1 кун аввал. Савдо ғолибга 10 банк кун ичида сотувчи билан олди-сотида шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 20 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини АТБ "Капиталбанк" Яшнобод филиали, х/р:20208000205363013001 МФО: 01136, СТИР:308305364 бўйича тўлайди. Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри Миробод тумани Матбуотчилар кўчаси 32-уй. 71-233-28-52, 97-155-08-21, 90-971-20-00. **Гувоҳнома №.965941.**

(Боши 1-саҳифада)
 Ул-бул юмушларга қарашди. Қора совуқ... Аёл белидаги сим-сим оғрикларга парво қилмасликка уринади. Ҳализамон болаларнинг отаси ишдан қайтади, уйни истиши керак. Бу оғрик дардга ўхшайди. Кўнгли беҳузурланиб, печкага ўтин қалайди. Нам торган ўтин ҳам ҳадеганда ёнавермай хуноб қилади. "Отанг ҳам келмадида?" дейди хавотир, ҳадик араш кўнгли бир нимани сезгандек эшикка бот-бот қараб. Аширкул ҳам жуда маҳтал қилди, кеч қайтди. Тонгга бориб оғрик кучайгач, доя момони қақирдилар: Ўғил! Ўрозалига жўра туғилди! Аширкул ака ҳам Бувхол ая ҳам бу ўғилнинг элни орқасидан эргаштира оладиган, номи тарих зарварларига ёзилмаган фарзанд бўлиб вояга етишини ўйламагандир балки? Аммо, шундай яхши ниқат қилгани аниқ! Бугун кимга қандай тақдир раво қўрилган бўлса, бир ўйлаб кўрсинчи, бунга ўзи, қалбидидаги ниқатлари, ҳеч бўлмаса кўнглининг бир четидан ўтган ўйлари сабабчи эмасмикан?! Ниқатни бутун қил, деб бежизга айтишмаган. Оддий, меҳнатчан оилада таваллуд топган гўдакка, улғайгани сари отадаги ғайрат-шажоат, дадиллик, онадаги ҳалимлик, мулоимлик, меҳр-у муҳаббат, ҳар иккаласидаги юмшоқлик шундайлигича ўтганлиги намоён бўла бериши. Гўдак кўнглининг каторида йўқилиб-сурилиб катта бўлди. Урушдан кейинги оғир йиллар мактабга борди. Бошқа замондошлари каби унга ҳам бахтли болалик насиб қилмади. Аммо, у ўқиганда, интилиздан чарчамади. Базий тенгдошлари каби кўчадан бери келмайдиган бола эмасди. Мактабдан келиши билан онасига ёрдамлашарди. Онасининг: "Бўлди, кириб дамингни ол, ёки биров ўйнаб кел!" дейишига қарамай барча юмушларни охирига етказарди. Сўнг анча пайт ҳовлида ҳам, уйда ҳам кўринмай, йўқолиб қоларди. Бундай пайтда онаси Бувхол опа уни уйнинг орқасидаги, томорқанинг бир четидан, пана пастқам жойда китоб ўқиб ўтирган ҳолда топарди... Агар инсон: "Пешонамга шундай ёзилган" деса-ю, бориб омонат деворнинг тагига турли олса ва девор кулаб уни босиб қолса, буни тақдирга тўнқаб бўлмайди. Инсон ҳар бир ишининг амалга ошиши йўлида кучи етганча, имкони борича ҳаракат қилгандан кейингина тақдир ҳақида гапиришга ҳақлидир. У ҳам ўз тақдири учун курашди. Яхши ўқишга астойдил ҳаракат қилди. Доим олдинда юриди. Тенгдошларидан анча илгарилар кетди. Қалбига болалик солган Ватан ишқи учкун ийлар ўтиб оловга айланди. У туғилиб ўсган маконга, она ватанга муҳаббат оташи билан ёнади. Унинг ўйлаган уйи, сўзлаган сўзи юртга муҳаббат эди.

БАХМАЛНИНГ МАРД ЎҒЛОНЛАРИДАН ЭДИ...

хўжалиги соҳасини танлаб, Самарқанд Қишлоқ хўжалик институтини тамомлади. Қўлида диплом билан Ғаллаорол туманидаги "Бахмал" давлат хўжалигида бош ветеринар врач бўлиб иш бошлади. Ишининг пухталигини кўрган раҳбарият орадан кўп ўтмай уни туман қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи этиб тайинлашди. Тўрт йил туман қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилди. Одамларнинг қалбини тушуна олди. Туманнинг қишлоқ хўжалик имкониятини обдон ўрганиб, бор салоҳиятини ишга солиб, ҳосилдорликни ошириш йўлида изланишдан чарчамади. – Ҳамза билан мактабда бир синфда ўқидик, бир партада ўтирдик. Мактабни кумуш медал билан тамомлади. Институтга ҳам бирга бордик. Унда жуда бошқача бир хусусият бор эдида, – дейди дўсти Мустофоқул ҳожи Алимов. – Кадрларни танлашни биларди. Ҳеч қачон таниш-билишлик, қариндош-уруғчилик қилмаган. Қаерда яхши, билимли, изланувчан ҳодим бўлса, дарҳол ёнига оларди, тарбияларди, йўл кўрсатарди. Иш билганларни жуда қадрларди. Туманга биринчи раҳбар этиб тайинланганида қўрилишга жуда катта эътибор қаратди. Кўчаларни ободлаштиришга бош-қош бўлди, худудни узлуksиз электр таъминоти билан таъминлади. У ўзининг яхшиликлари билан халқнинг қалбидан жой олди. – Биргина "яхши одам эди", деган сўз бу инсонга камлик қилади, – дейди Ҳамза Аширкуловнинг шоғирдларидан бири фермер Холиқназар Аҳмедов. – Буюк инсон эди, устозим. Ута камтар, кўнгличан, меҳрибон, шу билан бирга талабчан ва ишбилармон раҳбар сифатида кўпнинг меҳрини қозонган. "Қўшчинор" ширкат хўжалигига раис бўлиб келганида хусусийлаштириш бошланди. Бошқа жойларда хўжаликнинг техникалари талон-торож қилинган, хусусийлаштириш баҳонасида бошқа вилоятга, қўшни республикаларга жуда қиммат нархларда сотилаётган бир пайтда, Ҳамза Аширкулов хўжаликнинг ҳатто бир дона михини ҳам четга сотмади. Тракторчига тракторини, комбайнчига комбайнини арзимаган пулга хусусийлаштириб берди. 15 та комбайн, 20 та трактор, 25 та тележка, ҳайдов агрегатлари ҳам-маси хўжаликка қолди. Одамлар битта кўйини ёки битта эчкисини сотиб, техникали бўлди. Уша техникалар мана ҳозир ҳам эл хизматида! Ҳатто, чорвачилик мажмуасининг чорва молларини ҳам четга соттирмади. Узимизнинг фермерларга хусусийлаштириб бериб, насли соғин сигирлар зотини сақлаб қолди. Узини ўйламаган, нафсига қўл бўлмаган бебаҳо инсон эди!

Ана ўша "бебаҳо инсон" ҳамма жойда керак эди. Унинг таърибаси, иш услуби, бошқарув маҳорати вилоят "Мева-сабзавотчилик" бирлашмаси бош директори, Дўстлик тумани ижроия кўмитаси раиси, Бахмал тумани партия кўмитаси биринчи котиби, кейинчалик, яъни 1990-1991 йилда Жиззах вилояти партия кўмитаси котиби, Халқ депутатлари Жиззах вилояти ижроия кўмитаси раисининг биринчи ўринбосари бўлганида ҳам асқотди. Хуллас, ўша қатъиятли йигитча, ийлар давомида ота-она умридан андоза олиб, қишлоқ хўжалиги фидойиси, элпарвар раҳбар бўлиб элга танилди. Вилоятда уни танимаган инсон жуда кам. Ҳамза Аширкуловнинг меҳнатлари бесамар кетмади. 1973 йилда "Ҳурмат белгиси", 1980 йилда "Меҳнат қизил байроқ" орденлари билан тақдирланган. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, у янада шижоат билан ишлай бошлади. Мустақил Ўзбекистон ҳам унинг фидойилигига, қишлоқ хўжалиги ривожига қўшган ҳиссасига муносиб баҳо берди. 2002 йил "Шуҳрат" медали билан тақдирланди. Устозлари Ориф Алимов, Эркин Холматов ўғитларига амал қилиб, дўстлари Эркин Турсунов, Анвар Собиржонов, Муқим Ҳасанов, Турғун Умрзоқов билан узоқ йиллар эл-юрт фаровонлиги йўлида хизмат қилди. Отаси 90 дан ошиб дунёдан ўтди. Оддий ишчи бўлиб ишлаган Аширкул ота ва Бувхол она фарзандларининг, ўғлининг яхшилик кунларига шерик бўлиб, шуқр қилиб узоқ йиллар бахтли яшашди.

Мактабдаги ота-оналар йиғилишига шахсан ўзи борарди. Донишмандона панд-насиҳатлари, камтарлик, инсонийлик борасида айтган ўғитларига улар бир умр амал қилиб келдилар ва кам бўлмади. Бугун қизи Муҳаббат доришунос-тадбиркор, Манзура муҳандис, Дилфуза шифокор, Феруза ва Ўғиллой ҳуқуқшунос. Иномжон ҳам ҳуқуқ соҳасида, Илҳом банк ҳодими. Набиралар ҳам боболарига муносиб ворис бўла олди. Айниқсан, набираси Ҳамиджоннинг Японияда таҳсил олиб, Янги Ўзбекистон учун керакли мутахассис бўлиб хизмат қилаётгани кўнглига фахр ва гурур туйғуларини беради. Бахт! У ҳеч қачон сандан айрилмайдиган ўз соянига ўхшайди гуё! Бироқ бахтининг ҳамisha ёнида эканлигини, ҳеч қачон бизни тарк этмаганлигини ҳар доим ҳам англаб етавермаймиз! Ақлимиз теранлашиб, тафаккуримиз шакллангани сари бахтга талпинаверамиз! Бахтни кўргангина, ҳис қилганинда эса вужудиндан қўйилиб келаётган, юрагининг ҳаяжонга солаётган шуқроналиқдан, бахтининг шуъласидан мижаларинида қувонч кўз ёшлари пайдо бўлиши тайин! Ҳамза Аширкулов ана шундай бахтга эришиб, атрофидагиларга ёруғ нур бўлиб яшаб ўтди. Энг катта ютуқларидан ана бири бугунги жамиятимизга энг яхши доришунос-тадбиркор, моҳир муҳандис, адолатли ҳуқуқшунос, ишига пухта банк ҳодими бўлган фарзандларни тарбиялаб, қолдирди. Набиралар ҳам ота-оналарига, бобо-буваларига мос, муносиб ворис бўлиб тарбияландилар. Аслида, фарзандлар ордидан раҳмат эшитиш энг катта бахт эмасми? Шарқнинг улуг донишмандларидан бири Юсуф Хос Ҳожиб айтганидек, **Ўзим ўлсам, яхши отим қолса бас, Қолиб мангу отим, тирик бўлса бас.** **Фақат яхшилик қил, тила яхши ном Номинг мангулик-ла яшаб юрса бас.** Бу дунёга шамолдек келиб, оловдек ёниб, мазмуни даврларга татигулик умр кечирган инсонлар хотираси ҳеч қачон одамлар қалбидан ўчмайди. Ҳамза Аширкулов ҳам ана шундай инсонлардан бири эди. **Сайёра БҮРОНОВА, Жиззах вилояти телерадиокомпанияси муҳаррири, "Шуҳрат" медали соҳибчи.**

Эълонлар

"Тошкент Минтақа" МЧЖ

бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

"O'ZBEKENERGOTA MIR" AJning 2022 йил 14 сентябрдаги №01-22/1893-сонли бюртманомасига асосан, Тошкент вилояти Қўрай тумани ТошГРЭС кўчаси 63-А уй манзиллида сакланаётган 1. "ГАЗ 31105411" русумли Д/р 01/858 АСА 2005 йил ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси бошланғич баҳоси – 19 571 250 сўм, 2. "ГАЗ 31105411" русумли Д/р 01/969 АСА 2005 йилда ишлаб чиқарилган тиркама бошланғич баҳоси – 19 579 750 сўм, 3. Махсус техника автотрогузчик маркаси 40814 русумли 40814-3902050ПС бошланғич баҳоси – 25 436 250 сўм, 4. DAEWOO NEXIA русумли Д/р 01/959 АСА 2003 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси бошланғич баҳоси – 34 999 600 сўм, 5. МАЗ 9397 русумли Д/р 01/2920 АА 1989 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси бошланғич баҳоси – 25 130 250 сўм, 6. МАЗ 54323 русумли Д/р 01/875 АСА 1969 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси бошланғич баҳоси – 65 124 450 сўм, 7. Chevrolet Letseti русумли Д/р 01/929 АСА 2006 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси бошланғич баҳоси – 48 954 900 сўм, 8. Chevrolet Damas русумли Д/р 01/267 АСА 2003 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси бошланғич баҳоси- 36 213 400 сўм, 9. Chevrolet Damas русумли Д/р 01/148 АСА 2003 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси бошланғич баҳоси – 34 147 050 сўм, 10. Chevrolet Damas русумли Д/р 01/136 АСА 2003 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси бошланғич баҳоси – 35 288600 сўм, 11. Chevrolet Damas русумли Д/р 01/ 135 АСА 2003 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси бошланғич баҳоси- 34 673 200 сўм, 12. Chevrolet Damas русумли Д/р 01/133 АСА 2004 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси бошланғич баҳоси- 34 615 400 сўм, 13. GAZ 5227 русумли Д/р 01/894 АСА 1987 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси бошланғич баҳоси – 10 598 650 сўм, 14. GAZ 5227 русумли Д/р 01/893 АСА 1985 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси бошланғич баҳоси – 11 002 400 сўм автотранспорт воситалари очиқ аукцион савдосига қўйилмоқда. Аукцион савдолари 2022 йил 29 сентябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: бир кун аввал. Автотранспорт воситаси 2022 йил 29 сентябрь куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдоси 6 ва 13 октябрь кунлари соат 11:00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати 1 кун аввал. Савдо ғолибга 5 банк кун ичида сотувчи билан олди-сотида шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини АТБ "Капиталбанк" Яшнобод филиали, х/р:20208000205363013001 МФО: 01136, СТИР:308305364 бўйича ўтказди. Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри Миробод тумани Матбуотчилар кўчаси 32-уй. Телефонлар:71-233-28-52. 90-358-38-07. **Гувоҳнома №.965941.**

Мирзо Улуғбек сановат касб-хунара коллежи томонидан 2006 йилда Ҳамиджонжаев Ақромжон Мухтарович номига берилган К № 032396 (рўйхат рақами 1034) рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

“DREAM SCHOOL” – орзулар мактаби

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

Ўзсаноатқурилишбанкнинг молиявий кўмагида хусусий тиббиёт мактаби очилди

Мустақиллигимизнинг 31 йиллиги муносабати билан Тошкент туманида Ўзсаноатқурилишбанкнинг молиявий кўмагида қад ростлаган “DREAM SCHOOL” хусусий тиббиёт мактаби фойдаланишга топширилди. Абу Али Ибн Сино илми асосида ўқитишга ихтисослаштирилган таълим маскани 600 ўринга мўлжалланган бўлиб, ўқувчилар араб ва инглиз тиллари ҳамда математика фанини чуқурлаштирилган тарзда ўрганадилар.

Президентимизнинг 2021 йил 19 июлдаги “Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида мамлакатимизда иқти-

дорли ёшларни аниқлаш, танлаш, ўқитиш ва тарбиялаш тизими такомиллашмоқда, ихтисослаштирилган мактаблар тармоғи тобора кенгаймоқда. Яқинда иш бошлаган “DREAM SCHOOL” хусусий тиббиёт мактаби



ҳам шулардан бири. Таълим маскани Ўзсаноатқурилиш-банк томонидан ажратилган кредит маблағи ҳисобига замонавий услубда барпо этилди. Ўқув хоналари, кутубхона, логопед ва тиббий хоналар, спорт зали ва ошхо-



на янгича дизайнда жиҳозланди. Халқаро стандартда сузиш ҳавзаси қурилди.

– Давлатимиз раҳбарининг кадрлар тайёрлашга оид ҳар бир нутқида таълимнинг инновацион шакллари ва усуллари кўллани-



тизимни янги босқичга кўтаришнинг энг муҳим шартларидан бири сифатида қайд этилади, – дейди “DREAM SCHOOL” хусусий тиббиёт мактабининг ўқув ишлари бўйича мудираси Ш.Анварова. – Жорий йилнинг 18 март куни тиббиёт ходимлари билан ўтказилган очик мулоқотда ҳам муҳим масалалар қатори соҳани малакали кадрлар билан таъминлаш бўйича янги ташаббуслар илгари сурилди. Шу жиҳатдан қараганда, лойиҳа ми-

ҳам таълим, ҳам тиббиёт ислохотларига мос ва ҳосидир. Бу бизни қувонтириши баробарида, юқори натижаларни кўзлаб ҳаракатланишимизга куч бермоқда.

Орзулар мактаби номини олган ушбу таълим масканида малакали, олий тоифали ўқитувчилар ўғил-қизларга Британия дастури асосида таълим берадилар. Ўқувчилар 6-синфдан бошлаб мутахассисликка йўналтирилган ҳолда ўқитилад.

Банк ахборот хизмати

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

АНГОРДА КУЗГИ-ҚИШКИ ЮМУШЛАР АВЖИДА

Ангор тумани ирригация бўлими ходимлари барча суғориш тармоқларида кузги-қишқи тозалаш ва таъмирлаш-тиклаш ишларини қизгин давом эттиришяпти.



Режага кўра, 2022–2023 йиллар куз-қиш даврида 18,9 км. масофадаги каналлар механизмлар ёрдамида тозаланади, 25 та гидротехника иншооти ва яна шунча гидростат таъмирланади. Тумандаги “Занг-9” канали орқали 10 минг гектардан ортик экинзорлар суғорилади. Уни лойқа, қамиш ва бошқа бегона ўтлардан тозалашга нафақат ирригация бўлими мутахассислари, шу билан бирга аҳоли, фермер хўжаликлари ва кластер ташкилоти аъзолари сафарбар қилинмоқда.

қамишлардан тозаланиб, сув тежалиши ва розан оқишига имконият яратилди. Ирригаторлар кузги-қишқи ишларни тез ҳамда сифатли бажаришда бошқа туманлардаги касбдошларига ўрнатилган бўлиши баробарида каналларга режалаштирган “ақлли сув” ўлчаши ҳам ибратли юмушларни удалашаяпти.


– Соҳанинг пасту баландидан хабардор бўлган киши Ангор туманининг ҳолатини яхши билмайди, – дейди туман ирригация бўлими бошлиғи Шавкат Эшалиев. – Аслида Ангор тумани пастликда, бошқача айтганда мудом сув ичида туради, десак сира муболага бўлмайди. Туманимиз худудидан Жарқўрғон, Музабат, Шеробод, Қизилқум туманларининг экинзорларини сув билан таъминлайдиган иккита йирик – “Занг” ҳамда “Аму-Занг” каналлари ўтган ва уларда йил-ўн икки ой сув оқиб туради. Табиийки, бу каналлардаги обиҳаёт Ангор тумани далаларининг захланмиш ҳамда шўрланишига таъсирини ўтказди. Шунинг учун туманимиз худудидagi каналлар, ариқ-зовурларни ички суғориш тармоқларини, сув олиш қулоқларини таъмирлашни ҳам унутишмаяпти. Ички суғориш тармоқларининг 121 километр қисмини механизмлар ёрдамида лойқадан тозалашни режалаштирган ирригаторлар ҳозир бу ишга 2 донна экскаваторни жалб қилишган. Шунинг ҳисобига қисқа фурсатда ички суғориш тармоқларининг 35 километри лойқа-ю

қамишлардан тозаланиб, сув тежалиши ва розан оқишига имконият яратилди. Ирригаторлар кузги-қишқи ишларни тез ҳамда сифатли бажаришда бошқа туманлардаги касбдошларига ўрнатилган бўлиши баробарида каналларга режалаштирган “ақлли сув” ўлчаши ҳам ибратли юмушларни удалашаяпти. – Соҳанинг пасту баландидан хабардор бўлган киши Ангор туманининг ҳолатини яхши билмайди, – дейди туман ирригация бўлими бошлиғи Шавкат Эшалиев. – Аслида Ангор тумани пастликда, бошқача айтганда мудом сув ичида туради, десак сира муболага бўлмайди. Туманимиз худудидан Жарқўрғон, Музабат, Шеробод, Қизилқум туманларининг экинзорларини сув билан таъминлайдиган иккита йирик – “Занг” ҳамда “Аму-Занг” каналлари ўтган ва уларда йил-ўн икки ой сув оқиб туради. Табиийки, бу каналлардаги обиҳаёт Ангор тумани далаларининг захланмиш ҳамда шўрланишига таъсирини ўтказди. Шунинг учун туманимиз худудидagi каналлар, ариқ-зовурларни ички суғориш тармоқларини, сув олиш қулоқларини таъмирлашни ҳам унутишмаяпти. Ички суғориш тармоқларининг 121 километр қисмини механизмлар ёрдамида лойқадан тозалашни режалаштирган ирригаторлар ҳозир бу ишга 2 донна экскаваторни жалб қилишган. Шунинг ҳисобига қисқа фурсатда ички суғориш тармоқларининг 35 километри лойқа-ю

Аму-Сурхон ИТХБ матбуот хизмати

ЧАКАНА САВДО ТОВАР АЙЛАНМАСИДА ЭНГ ЮҚОРИ УЛУШ ЮНУСОБОД ТУМАНИ ҲИССАСИГА ТЎҒРИ КЕЛДИ

Тошкент шаҳар статистика бошқармаси маълумотида кўра, жорий йилнинг январ-июль ойларида чакана савдо товар айланмаси 41 102,5 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 109,8 фоизга ошди. Йирик корхоналарнинг товар айланмаси 16 138,5 млрд. сўмни ташкил этди. Пойтахтимиз туманлари кесимида энг юқори кўрсаткичи 6300,7 млрд. сўм билан Юнусобод тумани банд этди. Даврон ТОҶИРОВ, Юнусобод тумани статистика бўлими бошлиғи.



Эълон

Toshkent shahar Mirzo Ulug'bek tumani Bo'z-1 mavzesi 28-uy 37-xona manzilida joylashgan "Wonderland Import Trade" MChJ (STIR 308900020) jamiyatning yagona a'zosi qaroriga muvofiq (2022-yil 14-sentyabrda 3 raqamli qaror) jamiyatni "Shinam Sarmoya" MChJga qo'shib, qayta tashkil etish jarayonini boshlaydi. Qayta tashkil etish jarayoni o'tkazilgandan so'ng "Shinam Sarmoya" MChJ (STIR 308232694) "Wonderland Import Trade" MChJning huquqiy vorisi bo'ladi. Uchinchil shaxslarning da'volari bir oy muddatda Toshkent shahar Mirzo Ulug'bek tumani Bo'z-1 mavzesi 28-uy 37-xona manzilida bo'yicha qabul qilinadi.

1993 йил 18 февралда Яковенко Инна Алексеевна номига берилган №10-01/8855 рақамли ўзи-жойнинг шахсий мулк эканлигини тасдиқловчи давлат далолатномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

СУД ҲУКМИ ЎЗГАРИШСIZ ҚОЛДИРИЛДИ

Яқинда ЖИБ Жиззах вилояти судининг судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг навбатдаги очик суд мажлиси бўлиб ўтди. Унда судланувчи (исм-шарифлари ўзгартирилди) Р.Қўшшаевнинг апелляция тартибидagi шикоятни кўриб чиқилди. Судланувчи Ўзбекистон Республикаси фуқароси, миллати ўзбек, маълумоти ўрта, оилали, уч нафар фарзанднинг отаси. Унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддаларига кўра 2 йил муддатга диний муассасаларда ишлаш ҳуқуқидан ва 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Судланувчи Р.Қўшшаев 2013 йил 13 июлдан Жиззах шаҳар “Обод” номли маҳалла худудидa жойлашган “Имом Бухорий” жомеъ масжиди имом хатиби вазифасида бинойидек ишлаб келатган. Аммо, нафс деган бало уни йўлдан урдими, иш жараёнида ўзига ишониб топширилган қирқ кунга ҳам қолмай чиқиб, оғзининг танобини қочирган бу пуллар кейин бошига бало бўлишини ўйлаб ҳам қўймади. Р.Қўшшаев Ж. Қосимов билан анчадан буён таниш эди. Уни ҳам масжид қурилиши учун моддий ёрдам беришга кўндалган имом хатиб осонгина 5 000 АҚШ долларини кўлга киритди. Бу пуллар

билан талон-торож қилиб юборди. Бели оғрмай топган пуларининг мазаси уни яна жиноят сари етаклади. Энди у “Bahor plastics” МЧЖ раҳбарияти томонидан хайрия қилинган 30 миллион сўмлик кир ювиш кукунларидан тушган пулларни масжид ҳисоб рақамига қирқ кунга ҳам қолмай чиқиб, оғзининг танобини қочирган бу пуллар кейин бошига бало бўлишини ўйлаб ҳам қўймади. Р.Қўшшаев Ж. Қосимов билан анчадан буён таниш эди. Уни ҳам масжид қурилиши учун моддий ёрдам беришга кўндалган имом хатиб осонгина 5 000 АҚШ долларини кўлга киритди. Бу пуллар

ҳам масжид ҳисоб рақамига қилинган, унинг нафси йўлида “қурбон” бўлди. Дўппи тор келиб, суд курсисига ўтиришга мажбур бўлган судланувчи Р.Қўшшаев ўз шикоятда, биринчи инстанция суди ишни бир томонлама кўриб чиққанлигини, оилавий аҳолини, қарамоғидан вояга етмаган фарзандлари борлигини инобатга олиб, ишни адолатли кўриб чиқиб, ишнинг шикоятли бўлишига асосан, Шунингдек, у мазкур масжидда тўққиз йилдан буён меҳнат қилишини, масжидга кўп меҳнати сингганини, унга қўйилган айбловга тўлиқ иқдор эмаслигини билдирди. Ўз қилмишларини турли важлар билан ҳаспўшлаб, сувдан қуруқ чиқишга уринди. Масалан,

масжидни қайтадан қуриш учун эҳсон қилинган пулларни Ж.Қосимовдан коммунал тўловлар, ойлик маошлар ва бошқа “керакли юмушлар” учун ишлатганини айтиб, турли баҳоналарни рўқач қилиб, ўзини оқлашга уринди. Ҳимоячи А.Абдуқодиров ҳам ўз шикоятда Р.Қўшшаевнинг ўзганинг мулкни ўзлаштирилганлигини тасдиқловчи далил ва исботлар мавжуд эмаслигини, унга нисбатан тергов органи томонидан қўйилган айблов ўз исботини топмаганлиги сабабли оқлов ҳукми чиқаришни сўради. Судланувчи Р.Қўшшаевнинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятни содир қилганлиқдаги айби суд мажлисида сўроқ қилинган жабрланувчилар ва гувоҳларнинг кўрсатувлари, жиноят ишидagi Жиззах вилояти вакили М.Жабборов ва жабрланувчи А.Бурҳоновларнинг Р.Қўшшаевга чора кўриш ҳақидаги аризалари, тушунтириш хатлари, жабрланувчи Ж.Қосимов ва А.Бурҳоновларнинг тақдим

қилган СМС ёзишмаларидан нусхалар, жиноят ишида тўпланган далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз тасдиғини топди. Биринчи инстанция суди далиллар ва асосларга таяниб, унинг жиноий харакатини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3 қисми “а” банди билан тўғри квалификация қилинганлиги тўғрисида қонуний тўхтамга келди. Биринчи инстанция суди судланувчи Р.Қўшшаевга нисбатан жазо тайинлашда, унинг қилмишидан чин кўнглидан пушаймонлигини, оилада ёлғиз боқувчи эканлигини, моддий зарарни қисман қоплаганлигини, шу жумладан, жуда кўп миқдордаги моддий зарарнинг ўрни тўлиқ қопланмаганлиги ва бошқа жиҳатларни инобатга олди. Хулосалар натижасига кўра унга ЖКнинг 45-моддасига асосан муайян ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазоси қўлланган ҳолда, ЖКнинг 167 моддаси 3-қисми санкцияси доирасида озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди, қонуний ва асосли хулосага келинган. Оқоридагиларга кўра, апелляция инстанцияси суди, суд ҳукмини ўзгартириш, апелляция шикоятини қаноатлантиришсиз қолдиришни лозим топди. Халқимизда бир мақол бор: ҳар ким қилса ўзига. Р.Қўшшаев ҳам ўзига ўзи жабр қилди... Ғийбиддин ЯЛҒАШЕВ, ЖИБ Жиззах шаҳар суди раиси.

Пахтани қабул қилиш масканлари МАВСУМГА ШАЙ

Маълумки, “Ўзгаоинспекция”нинг худудий бошқарма ва туманлар бўлимлари зиммасига пахта хомашёси ва ундан қайта ишланган маҳсулотларни қабул қилувчи, сақловчи ва ишловчи корхоналарнинг техник ҳолати юзасидан назорат қилиш вазифаси юклатилган. Белгиланган вазибаларни амалга ошириш мақсадида, мавжуд 11 та пахта-тўқимачилик кластерлари тизимидаги 29 та пахта қабул қилиш масканларида жорий ва капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, пахта қабул қилиш масканлари шай ҳолатга келтирилди. Шунингдек, пахта йиғим-терими учун зарур инвентарлар захираси яратилди.



Шунингдек, фермер хўжаликлари, кластерлар ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарига пахта етиштириш бўйича тузилган шартномавий мажбуриятларнинг бажарилишида, ишончли ҳисоботлар юритилишида ҳамда миқдори ва сифати бўйича қонунбузилишларга йўл қўйилишининг олдини олишда амалий ёрдам кўрсатиш, ўзаро низоларни жойида ҳал этиш юзасидан Пастдаргом туманидаги “Samarqand Kamalak invest tekstil” МЧЖга қарашли пахта қабул қилиш масканида амалий ўқув-семинари ўтказилди. Унда пахтачилик йўналишида фаолият юритиб келаятган мутасадди корхона ва ташкилот раҳбарлари, кластер корхоналари ҳамда фермер хўжаликлари раҳбарлари, пахта қабул қилиш масканлари мутахассислари, “Ўзгаоинспекция”нинг Самарқанд вилояти бошқармаси ва туман бўлимлари бошлиқлари ва бошқалар иштирок этди.

Семинарни “Ўзгаоинспекция”нинг Самарқанд вилояти бошқармаси бошлиғи Д.Ачилов очиб бериб, пахтачилик тармоғида амалга оширилаётган бозор механизмларини жорий қилиш, пахта етиштирувчи фермерларни ўз меҳнати натижаларига тўлиқ эътибор қилган ҳолда, тадбиркор сифатида иқтисодий эркин фаолият юритишлари учун кенг шароитни яратиш билан боғлиқ ислохотлар, хомашё сотиш салмоғини кескин камайитириб, қайта ишлаш салмоғини ошириш орқали қўшилган қиймат яратиш имкониятлари кенгайтирилаётгани, пахта хомашёсини етиштиришда давлат бююртмасининг бекор қилингани тўғрисида қисқача маъруза қилди. Шундан сўнг, “Ўзгаоинспекция”нинг Самарқанд вилояти бошқармаси бош инспектори Б.Раҳмонов сўзга чиқиб, пахта йиғим-терими муҳим агротехник тадбир ҳисобланганлиги сабабли бир қатор қишлоқ хўжалигига алоқадор бўлган ташкилотлар билан ҳамкорликда, пахта етиштирувчи туманларда, пахта хомашёсини топширувчи ва қабул қилувчи хўжаликлар ўртасида юзага келиши мумкин бўлган низоли масалаларни жойида ҳал этиш бўйича ташкил этилган “Арбитраж” гуруҳларининг вазифалари ҳақида гапириб ўтди.

Семинар қатнашчиларига қабул мавсумида пахта хомашёсининг сифат кўрсаткичларини аниқлаш бўйича методик қўлланмалар тарқатилди.

Абдували ХУДОЁРОВ, “Ўзгаоинспекция”нинг Самарқанд вилояти бошқармаси матбуот хизмати бош инспектори.

Бу чамандаги ҳар бир дарахт, ҳар бир майса ўтган умрининг лаҳзалари бўлиб, муҳрланиб қолган...

БУ БОҒДА ДАРАХТЛАР МУМТОЗ ШОИР,
ЯТРОҚЛАР ЭСА ЛАТИФ СЎЗ

ҚИРГА ҚУЁШ КҮНДИ

Анджоннинг жануби-шарқий томонидаги мавзе "Боғишамол" деб юритилади ва бу сўз тарихий манбаларда қайд қилинган. Самарқандда Соҳибқирон Амир Темур барпо қилган боғларнинг бири шундай аталган, у шаҳарнинг шимол ("шамол" сўзининг маъноларидан бири – "шимолдан эсадиган ел") томонидан жой олган. Боғ номининг Бобурийларга бевосита дахли борлиги Темурийёда буюк зотлардан бири шу шаҳарда таваллуд топиши ва боғ ҳам боқий аъналарнинг XXI асрдаги давоми эканини эслатиб турганидадир.

Диққатни тортадиган бир жиҳат – "Боғишамол" атамаси бугун кўп қўлланилади (Самарқандда ҳам худди шундай номдаги боғ мавжуд), аммо улар қанча кўп ва ранг-баранг бўлмасин, Анджоннинг Боғишамолли бетакрор ва ўхшашли йўқ (айни ҳақиқатки, бугун машҳурлик мақоми ана шу боққа тегишли). Эътиборли битта далил: шу ҳудудда жойлашган Боғи Бобур ҳукумат қарори билан вилоятда халқаро туризм йўналишига киритилган ягона маскандир.

ЭНДИ ГАПНИНГ БУРОМАДИ ШУ ҲАҚДА

...Ўтган асрнинг 70-йилларида Анджон вилояти раҳбари этиб тайинланган Бектош Раҳимов Хакан адирларига йўли тушиб қолган, бу кенгликларда бир табиий гўзалликни сезганими (Б. Раҳимов шу чоқларда айнан Самарқанддан ишга ўтгани), бир кунни шу жойларни яхши биладиган раҳбарларни қирга тақлиф қилади. Уларнинг сафида, вилоят сув ҳўжалиги, электр тармоқлари, қишлоқ ҳўжалиги бошқармалари раҳбарлари қаторида, яқинда ўз юртида иш бошлаган Зокиржон Машрабов ҳам бор эди.

Бу "қир кезиш" Храбек, Пахтаобод, Хакан адирларигача давом этди ва раҳбар ҳамроҳларига мақсадни лўнда қилиб тушунтирди: бўш ётган ана у жойларда "меҳнаткашларнинг мириқиб ҳордиқ чиқаришлари учун маданият ва истироҳат боғи" ташкил этилиши лозим! Вазибалар ҳам аниқ тақсимланди, ҳар ким ўз мутасаддилигидаги ташкилотларнинг резервлари ҳисобидан қурилиш ва бунёдкорлик ашёларини топади, ишлар ҳашар усулида олиб борилди.

Ушанда азбаройи хаканлик бўлгани, ҳозиргача юклатилган вазифаларни ишончи удаллаб келаятигани учун ёш, ғайратли Зокиржон Машрабов ишларнинг мувофиқлаштирувчи раҳбари этиб тайинланди. Навқирон, жанговар (бошқа сўз билан ифодалаш қийин), юрагида вулкон гувиллаб турган Зокиржон икки ҳисса масъулият билан ишга киришди: аввало, бу топшириқ катта раҳбарнинг ишончи эди; иккинчидан эса боланигда тупроқ кечиб, яираган, шувоқ ва янтоқдан бошқа гивҳ битмаган жонсиз қирларга ҳаёт кириб келаятиганди, гўё унинг болаликдаги ҳовли-жойлари обод бўлаётган эди – шу ҳолини ҳис этиб, ўзини бу юмушнинг меъзони деб билди.

Қолаверса, бу қисмат ёзуғи экан, ўша хилват Хакан қирлари бугун чинаяк дунёвий чирой кўйида ороланган, иш бошқарувчи ёш йигитча Зокиржон эса бутун онгли ҳаётини – умрининг қарийб олтимиш йилини шу бўстон истиқболга тиккан бўлиб чиқди. Эҳтимол, у қачон соқоли сабза урганини ёки сочиға оқ тушганини эслаб олмаслиги мумкин, лекин ариқ четидан ҳеч кимнинг назарига тушмай, мунис тебраниб турган гул кўчатининг қайси боғдан қачон олиб келиб экилгани-ю, унинг боғбони қимлигини аниқ билади. Бу чамандаги ҳар бир дарахт, ҳар бир майса ўтган умрининг лаҳзалари бўлиб, муҳрланиб қолган...

Оре рост – бугун Зокиржон Машрабовни кўпчилик танийди, ўлкамизда унга "кўзга ташланадиган" одам бўлса, бири у! Менимча, бу эътироф самимий, негаки, Зокиржон Машрабов жудаям ҳаммабод ҳаёт йўлини танламади, кўпчилик тушунармайдиган, идрок этавермайдиган юмушларнинг бошини тутди, лугатимизда "экспедиция", "жамғарма", "халқаро" сингари сўзларнинг барқарор жой олишига "кумак-лашди", қанчалаб юртларни кезиб, қулуғ жойларни эиэрат қилди ва ҳаммасини ўша кимсасиз адирларда барпо этилган "Боғи Бобур" да мужассамлаштирди. Боғ бугун теран хотиралар, салмоқдор тарих, покиза маънавиятга ўрнатилган қасида бўлиб чирой очди. Ва эътироф шундаки, Зокиржон Машрабов ана шу маънавий обиданинг мунтазам "иш бошқарувчи"си (бу лавозим тарих китобларимиз "мутавалли, арқор, арбоб" тарзида қайд этилган) бўлиб қолди. Ниҳоятда қизиқ ва ибратли ҳаёт тарзи...

60-70 йиллар олдин (вақтга эътибор қаратинг) олиёйгоҳ таҳсилини тугатган Зокиржон ўз соҳасида нефть кларининг бош геологи даражасига етишди ва уни Жарқўрғондаги нефть қазиб чиқариш бошқармасининг Душанба ва Қашқадарь худудларида конларни разведка қилиш бўлинимасига бошлиқ қилиб тайинлашди. Ишлари чакки бўлмади чамаси, ордан у-чўрт йил ўтказиб, республика ҳўкумати тарихида масъул лавозимга лойиқ қўрилди: Ўзбекистон республикаси Министрлар Советининг оғир саноат бўлими бошлиғи вазифасига кўтарилди. Албатта, тарихан қишлоқ ҳўжалигига иктисослашган ва бутун ҳаёти шу тарзда қурилган мамлакатда оғир саноатнинг юки енгли эмас эди, бу ўринда ортиқча тафсилотга ҳожат йўқ, мақсаддан чағлиғи давом этизмиз.

ТАРИХДАН УЛГУ ОЛИБ

Табиийки, ҳаёт ўз измида йўртлар эди, рўзгорини бут қилиб олган одамлар биологик инстенкт туфайли бўлса керак, яна-да яхшироқ яшашига интилишарди. Энди ўчоқларда "зангори олов" ёндаган фасларга етишилганди. Бу ҳол ўз вақтида мўъжиза эди, худди "куф-суф" қилингандек, ўтин-чўписиз оვაқат пишиб турибди. Зокиржон одамларнинг хонадонига газ

қувурлари тортиб, уларнинг ўшандаги қувончларига шерик бўлиб юрган кунларнинг бирида, иш юзасидан, яхшигина обрў-эътибор қозонган раҳбар Бектош Раҳимов билан дуч келиб қолди. У қуйинчақлик билан кўпроқ иш ҳажми олиш, газ тортиладиган темир қувурларга эга бўлиш ва бошқа ободончилик юмушлари билан ўта банд бўларди ва Зокиржонга тез-тез мурожаат қилиб турарди.

Бу яқинлик эса охири-оқибат жўшқин, ғайратли мутахассиснинг Анджонга тақлиф этилиши билан яқунланди. Тақлиф кўнгил муддаосига ҳам яқин эди: неча йиллардан ботун ота маскандан чиқиб кетган ёлғиз ўғилнинг йўлига кўз тикиб, онажоннинг ҳам сабри тугаятганди. Бу ҳақда нуфузли ташкилот раҳбариятига бир неча марта мурожаат этган бўлишига қарамай, сўзига қўлоқ тутишмас, ундан нукул "коммунистаг хос қаҳрамонлик ва фидойиллик" талаб қилишарди. Ниҳоят, Анджон тарафдан офтоб қилиб, уни юртига тақлиф қилиб туришибди. Шундай қилиб, тиниб-тинчимас Бектош Раҳимов ҳўкумат олдига



масалани қўндаланг қўя олган ва Хакан қирларида 300 гектар, меҳнат қаҳрамони Масадик Мадияров раҳбарлик қилаётган Хўжаобод туманида 360 гектар боғ ташкил қилиш юзасидан қарор чиқартириб олишга муваффақ бўлганди.

Муаррихларнинг шоҳидлик беришича, боғдорчилик тарихи 15 минг йилдан ҳам нарига бориб тақалар экан. Милоддан аввалги XV асрда барпо қилинган Миср ва худди шунингдек, милодгача бўлган VII-VI асрларда барпо этилган Бобил боғларининг таърифи бугунги кунимизга қадар етиб келган. Айниқса, шу даврда ҳўқмдор Навоходаннасар II барпо этган ва дунёнинг етти мўъжизасидан бири сифатида эътироф этилган муаллақ Семирамида боғлари ҳамон инсониятни ҳайратлантиради.

Шубҳасиз, жаҳон цивилизацияси ўчоқларидан саналган бугунги Ўзбекистон заминида ҳам қадимдан боғдорчилик ривож топган. Хусусан, Самарқанд атрофидаги Темурийлар даврида яратилган йигирмага яқин боғ-бўстоннинг шуҳрати ҳозиргача тарих саҳифаларини ёритиб турибди. Бу боғларнинг тарҳи, меъморчилиги, йўл-йўлакларнинг ростилаши – қўйинги, бутун унсурлари боғ санъатини ташкил қилади ва одамзот маънавий ҳазинасининг нодир бойлиқлари ҳисобланади. Сингапур давлатида ердан 70-100 метр баландликда бунёд этилган замонавий муаллақ боғларда Самарқанд дастхатини кўраман... Анджонда ҳам улардан улгу олиб, янги замон мўъжизасини яратиб кўзда тутилганди, чамаси, буни унинг шарафли номидан ҳам билса бўларди. Кейинчалик лойиҳалар яна кенгайиб борди, боғ-тоқзорларга айлантириш кўзда тутилган майдон худуди 1,5 минг гектардан ошиб кетди.

Вақт чархпалагида дунё айлангани каби бу шитобда боғлар ҳам шовуллаб умргузаронлик қиларди, ўзида меҳмон бўлган қушлардек, бошидан турфа савдоларни ўтказарди. Боғдорчилик илмидан озгина хабари борлар тасдиқлаши мумкин, кўчатни парвариш қилиш ёш гўдакни воёга етказишдан ҳам меҳнат, заҳмат талаб қилмайди. Гўдак-ку исмиқ-совуғини овози билан изхор қилиб туради, бироқ гўё тилсизлигидан қимтиниб-қисиниб тургандек шабадада дидириган ниҳолни тушуниш учун боғбонда катта истеъдод керак, бильякс, ҳамма саъй-ҳаракатлар зое кетиб, боғ эмас, доғ пайдо бўлиб қолаверади. Маданият ва истироҳат боғи ҳам шундай синовларни бошидан ўтказди. Унинг тўлишиб, шовуллаган пайтлари ҳам, ариқлари қуриб, сувсизлик ёки қаровсизликдан "аъзо"ларини йўқотган чоғлари ҳам бўлди. Шу аснода рўй берган улкан тарихий воқеа боғ "таржимай ҳоли"да ёрқин саҳифа очди.

ШАМОЛЛАРНИНГ ҲҲР КЎШИГИ

Мустақиллик руҳи бу боғнинг боғбонлари қалбиде қувиб ётган ватанпарварлик туйғуларни томтирига эсиб элди, шонли тарих дарахт шоҳларида уйнаган шамоллар янглиғ уфқлардан жамол кўрсатди ва Анджон бағрида кўрк очаятган чаман унинг бедор фарзанди, мангу соғинчининг тарихий тилмосли Заҳириддин Мўхаммад Бобур номини ёдга олди. Бу пайтда шу номда жамғарма тузилган, озод кунларини интиқ кутган тилақлар парвозга шай турарди. Албатта, мазкур маърақанинг бошида ҳам боғнинг арқори, ҳам жамғармининг ташаббускори сифатида тиниб-тинчимас Зокиржон Машрабов турарди. Йил ўтиб-ўтмай, боққа Бобур номи нисор этилди, жами пешлавлалар, расмий ҳужжатларда бу ном муҳрланди.

Очиғи, шу кичкина тадбир ҳам катта шодиенага туртки бўлганди. Негаки, шарафли ватандош Бобур номи, кейинги йилларда бошқа буюкларимиз қатори, панада қолиб кетаётган, унинг 500 йиллик юбилейи дунё аъзосида нишонланган бўлса-да,

юртида, ватанида бир кўр эсланмаган, шунчаки қайд этиб ўтилганди. Алам қилмайдим, шавкатли сулоланинг вакили, Ҳиндистондек чалқаш ва мавҳум диёрни дунё тараққиега олиб чиққан давлатнинг асосчиси, ҳам давлат арбоби, ҳам фан ва маданият, ҳам адабиёт ва санъат ҳоймийси, фақат ҳоймигина эмас, бу соҳаларнинг амалий устози бўлган зотнинг мероси юртдошларидан бегоналаштирилса, номини унуттишга, ҳатто "феодал ҳўқмдор" деган тавқиланъат тақиб, ҳўрлашса, ҳар қандай ўзбекнинг кўрағидеги арслони наъра тортиб юборади-да. Бироқ, афсуски, шундай бўлганди. У замонлар "Осмон йироқ, ер қаттиқ" эди. Агар хархаша қилаверсанг, буюк шоир Абдулла Орипов таъбири билан айтганда, "насибанг 25 грам кўргуошин бўларди".

Боққа Бобур номи берилган 1992 йилдан бери ўттиз йил вақт ўтди. Бир пайтлар шунчаки дарахтзор бўлган Хакан қирлари қанчалик ўзгарди! Бу ҳақда фот (жамғарма) котиби Халидхон Шамсиева томонидан тақдим этилган маълумотномада бу тарих

имқониятлар яратиб беради, деб ўйлаймиз.

Фонд ташаббуси билан боғда ҳар йили 14 февраль санасида Заҳириддин Мўхаммад Бобур таваллудига бағишланган илмий-амалий анжуман мунтазам ташкил қилиниб, шу кунни боққа гўёки Нарвўз ташриф буюради.

Боғ худудининг катта қисми адирликлардан иборат эканлиги боис бу майдонларда сувсизликка чидамли меваали манзарали дарахтларни кўпайтириш мақсадида фонд қошида "Гиста, зайтун, коврак ва бошқа субтропик ўсимликларни етиштириш илмий маркази" ташкил қилинган, унда хориждан олиб келинган ноёб декоратив дарахт ва гул кўчатларини маҳаллий иқлимга мослаштириш йўлида илмий изланишлар олиб борилаётган. Изланишлар натижасида сувсизликка чидамли меваали дарахтлар кўпайтирилиб, пистазор, зайтунзор, ковракзор ва ёнқозорлар барпо қилинди. Боғнинг ёнбағир адирлик тепалиқларида ҳам баҳаво масканлар, чойхона ва ошхоналар очилган. Боғишамолнинг майин шабадаси худуда ўзгача файз бериб, иссиқ кунларда ташриф буюрувчиларнинг соя салқинда мароқли дам олишини таъминлайди.

Халқаро ва ички туризмни ривожлантириш ва боғдаги шарт-шароитларни яхшилаш, зиёратчиларга янада қўлайликлар яратиш мақсадида 40 ўринли замонавий меҳмонхона ҳам ўз фаолиятини бошлаган.

Сирасини айтганда, Бобур боғи Анджоннинг ташриф қоғозига айланган, десак асло муболага бўлмайди.

МАДАНИЙ ТАДБИРЛАР МАСКАНИ

Албатта, расмий маълумотномаларда қайд қилинган далилларни шунчаки ҳисобот сифатида берадур ўқиш мумкин, лекин бу "силлиқ сатрлар"да қайд этилган натижаларга эришишда қанчалик заҳмат чекилганини бугун буй-басти билан тасаввур қилиш учун ўша ҳаётнинг ичиде яшаш, ҳеч бўлмаганда, ҳамнафас бўлиш шарт. Ахир яхши ниятнинг ўзи қифоя қилмайди, уни амалда рўёбга чиқариш учун қанча саъй-ҳаракат, ғайрат-шижоат, энг асосийси, таъмасиз фидойиллик лозим бўлади. Ҳақиқатлар эса ҳеч кимга бўйсунмайди. Муқояса учун бир далил: "бир пайтда ишга киришилган, ҳатто эътибор анча юқори бўлган Хўжаободдаги 360 гектарлик боғнинг тепа адирдаги қисми бутунлай қуриб кетган. Ҳатто бутун дунёга машҳур 80 гектарлик лимонарий ҳам қўлга айланиб, ҳозир ўрнида гиштхона қурилган" (расмий маълумотномадан).

Эндиликда Бобур боғи ҳам истироҳат маскани, ҳам маданий-маърифий тадбирлар марказига айланди. Бугун ўз илмини шоҳ ва шоир Бобур фаолиятига бағишлаган ва эътироф этилган кўлаб халқаро ва маҳаллий арбобларнинг қадам излари боғ заминиде яшапти, назари-нигоҳлари эса барглар шивириде ҳамоҳанг. Таъбир жоиз бўлса, мангу барҳаёт, Анджонни кумсаб, жонини омонатга топширган фахрли Анджонлик – Бобурнинг руҳи ҳам улар билан вобаста кезиб юрибди. Зеро, табиат гўзаллигини чўқур ҳис қилган Бобур Кобул шари атрафида семимли юмуши бўлмиш боғ-роғлар яратиш билан мунтазам шугулланган.

Тарих китобларида битилишича, Бобур Кобул улусида ҳўкмронлик қилган йигирма йилдан ортиқроқ давр мобайнида ўнга боғ барпо қилган. 1526 йилнинг охирида Ҳиндистон юришидаги ғалабасидан кейин Панипатда боғ барпо этишни буюради ҳамда Дехли ва Аграга йўл олишдан олдин мана шу ерда бир мунча муддат ҳордиқ чиқаради. Боболар удумига қатъий амал қилиб, боғлар барпо қилишни доимий машғулотига айлантирган Бобур, агар тақдир насиб этганида, энг гўзал боғини Анджонда бунёд этган бўларди, шубҳасиз.

Анджонда бугун энг йирик ва сердаромад боғлардан бири бунёд этилди. Унинг ташаббускорларидан Зокиржон Машрабов йиллар давомида аждоқларга хос бунёдкорлик ҳисларни қуршовида яшаган бўлса, ажаб эмас. Негаки, бу зотнинг кейинги саъй-ҳаракатларини бир кўр сарҳисоб қилиб чиққан одам беахтиёр у йўлга чиқишдан олдин ҳуржунига мўл-кўл захира жойлаб олганига ишонч ҳосил қилади. Зеро, бунчалик кенг микёсли ишларни амалга ошириш учун одамнинг захираси катта бўлиши шарт, бильякс, мотор ярим йўлда, ҳатто йўл бошида тўхтаб қолиши мумкин.

Анджондаги сўлим боғ, бу буюк Бобур орузи қилган боғ бўлса, ажаб эмас. Унинг ташаббускори ва бош боғбонлари ўзгача ғайрат-шижоатли, омилкор, мард, лўнда қилиб айтганда, кучли шахслар бўлгани бор гап. Бу ҳол, албатта, мушоадага ундайди: бунча яхши фазиалатлар нимадан?! Саволга жавоблар кўп бўлиши мумкин, лекин менинг биринча жавобим – аждоқларга чексиз ҳўрмат ва меҳрдан бўлса керак, деб ўйлайман. Андиқонлик дўстлар намуна қидириб, узоққа бориб ўтирмайди, "қуриган қудуқ"ларни қавламайди, балки ибратни ўзидан, ўзимиздан олади. Шундай худудлар бор, "бўйни бўқадай, билаги болтадай" одамлар фақат бир-бири билан суришади, "Сен зўрми, мен зўр?" қилишади, аммо, афсуски, яхшиликдан ибрат олишмайди.

Боғ бунёдкорларининг қадриятларимизга чексиз ҳўрмати, мустаҳкам садоқати уларни юксалтирди, бугун улар шаҳарсозлик, тадбиркорлик, савдо-тижорат, умуман, кўп соҳаларда "Ўзбек феномени"нинг ёрқин тилмосига айланишди. Улар кимлар эканини эси озоқларсиз ҳам барчамиз яхши биламиз.

Ҳақим САТТОРИЙ, Республика Маънавият ва маърифат маркази масъул ходими.

САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРИМИЗ ЗОЕ КЕТМАЯПТИ

Сергели тумани фавқулодда вазиятлар бўлими ходимлари ёнғинларнинг олдини олиш, тезкор чоралар кўриш ҳамда уларни бартараф этиш мақсадида жойларда қатор чора-тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Қувонарлиси, олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар зое кетмаяпти.



Аҳолида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий амал қилиш борасида кўникмалар шаклланаёпти, ёнғинлар сони камаймоқда. Шу билан бирга айрим ҳолларда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига роия қилинмаётгани ҳам аниқланмоқда. Тўғри, ёнғинларнинг камайганлиги қувонарли, лекин бундан ҳам яхши натижаларга эришиш мумкин. Бунинг учун барчамиз ёнғин хавфсизлиги қоидаларига тўлиқ роия этишимиз зарурдир. Ёнғинларнинг келиб чиқишига асосан, фуқароларнинг носоз ёритиш ва ностандарт иситиш воситаларидан ҳамда газ иситиш анжомларидан тўғри фойдаланмаётганликлари сабаб бўлмоқда. Бунинг олдини олиш мақсадида Сергели тумани фавқулодда вазиятлар бўлими вакиллари маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналари, ўқув ва даволаш муассасалари ходимлари билан жойларда мунтазам тушунтириш ишларини олиб бормоқда, учрашувлар ўтказмоқда. Ёнғинларнинг олдини олиш юзасидан ўтказилаётган бундай тадбирлар ўз самарасини бермоқда, тадбир қатнашчилари суҳбатлар ва тушунтириш ишларидан сўнг ўзларига тегишли ҳулоса чиқаришмоқда.

Файзулла РАҲМОНҚУЛОВ, Сергели тумани ФВБ ЁН ва ПБ мутахассиси, катта сержант.

Эълонлар

2023 yil davomida, Tuyamo'yin gidrouzelidan foydalanish boshqarmasining loyiha, kuzatuv va joriy ta'mirlash-tiklash tadbirlarida istiroq etish istagi bor korxon, tashkilotlar maxsus ruxsatnoma rasmiylashtirishlari uchun biometrik pasportga ega ishchi-xizmatchilar, mashina-mexanizmlar, materiallar va kerakli asbob-uskunalarning minimal ro'yxatini joriy yilning 20.09.2022 yilgacha (elektron varianti bilan birga) taqdim etishlari mumkin. 2022 yil davomida Tuyamo'yin gidrouzelidan foydalanish boshqarmasining loyiha, kuzatuv va joriy ta'mirlash-tiklash tadbirlarini "Etender.uzex.uz" saytida kuzatib borishlari mumkin. Manzil: Xorazm viloyati. Tuproqqal'a tumani Pitnak shahri Murojaat uchun telefonlar: 0-362-305-49-06, 0-362-305-47-79, faks: 0-362-305-49-06.

Тошкент темир йўл транспорти касб-хўнар коллежи томонидан 2018 йилда Эркинов Элдорбек Тохиржон ўғли номига берилган К № 5321827 рақамли диплом ва унинг 3092 қайд рақамли иловаси йўқолганлиги муносабати билан бекор ҳисобланади. Тошкент молия ва иқтисодиёт коллежи томонидан Давлат аттестация комиссиясининг 2008 йил 30 майдаги қарорига биноан Аюпов Равшан Абдурашидовичга берилган К № 773866 рақамли (рўйхат рақами – 162) диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.



УЗАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамаси комплекси таркибидеги ҳамда бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Тахрир ҳайъати: Шавкат ҲАМРОЕВ, Азиз ВОИТОВ, Мўхаммадхон ТОШБОЛТАЕВ, Ақтам ҲАЙТОВ, Маҳмуд ТООИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Раимқул СУЯРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган. Ҳажми 23 босма табоқ, Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. НАШР ИНДЕКСИ – 144. Бюрогма Г-947. 1251 нусқада чоп этилди.

Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Телефонлар: Қабулхона – (0-371) 236-26-50. Факс – (0-371) 233-09-93. Реклама ва эълонлар – (0-371) 236-26-50, (0-371) 233-28-04. e-mail: info@qishloqhayoti@mail.ru Баҳоси келишилган нарҳда.



Босишга топшириш вақти: 21.00 Босишга топширилди: 19.10